Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 24 декабрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 99 (6995)

Da'vat

Ҳар кимки атоға кўп риоят қилғай,
Ўғлидан анга бу иш сироят қилғай.

Алишер НАВОИЙ

Ibrat

Намангандаги ўзбек-турк лицейи ўқувчиси Нодир Ҳусаинов Туркияда ўтказилган илмий-техник тадқиқотлар танловида «Сув ва ҳаво ифлослигини ўлчашда оптика-электроник элементлардан фойдаланиш» мавзуидаги илмий изланиш билан қатнашиб, 1-ўринни эгаллади. Шунингдек, туркий мамлакатлар вакиллари қатнашган мазкур танловнинг 2-ўрини ҳам юртдошимизга, Н. Ҳусаиновнинг синфдоши Шаҳриёр Турғуновга насиб этди.

O'zbekiston — Rossiya

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон ва Россия мамлакатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўзининг янги босқичига кўтарилмоқда. Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Виктор Черномирдиннинг мамлакатимизга қилган ташрифи ва ташриф давомида бўлиб ўтган музокаралар ҳамда имзоланган ҳужжатлар шундай дейишга асос бўлади.

22 декабрь куни Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Виктор Черномирдин амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Пойтахт аэропортида юксак мартабали меҳмонни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кутиб олди.

Дўрмон қароргоҳида икки мамлакат расмий делегацияларининг музокаралари бўлиб ўтди. Музокараларда асосий эътибор Ўзбекистон билан Россия ўртасида шу пайтгача имзоланган ҳужжатларнинг ҳаётга тадбиқ этилиш жараёни, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳудудлараро, савдо-иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш учун зарур чора-тадбирлар кўриш, сармояларни ҳимоялаш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш бўйича илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига қаратилди.

— Аввало, таъкидлаш жоизки, кейинги даврда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бормоқда, — деди Ислом Каримов. — Шу вақтгача имзоланган ўзаро ҳужжатлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, айни вақтда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар алмашув ҳажмининг тобора ўсиб бораётганлигининг муҳим сабабларидан бири ҳам шунда.

Музокараларда Ўзбекистон ва Россия ўртасида самолётсозлик, электр ва техника жиҳозлари, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик самарали амалга оширилаётгани қайд этилди. Шунингдек, минтақавий хавфсизлик, жиноятчиликка қарши кураш ва бошқа, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада кенгайтириш учун зарур чора-тадбирлар билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлар алмашилди.

Музокаралар сўнгида ўзаро қўшма ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги, шунингдек атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш бўйича илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди. Уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Виктор Черномирдин имзоладилар. Шунингдек, ўзаро савдо-иқтисодий ва илм-фан ҳамда бошқа соҳаларга оид ҳужжатлар имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда музокаралар кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тўла келишувга эришилгани қайд этилди.

— Кўп йиллик иқтисодий алоқаларнинг айни вақтда янгича тамойиллар асосида шаклланиб бораётгани бугун ўзаро ҳамкорликнинг барча соҳаларида яққол кўзга ташланаётир, — деди В. Черномирдин. — Мазкур ташрифимиз Россия Президенти Борис Ельциннинг 1998 йил баҳорида Ўзбекистонга қилажак сафари олдидан ўтаётгани унинг амалий аҳамиятини янада оширади.

Дарҳақиқат, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари келажакда ўзининг янги-янги қирраларини намоён этиши, шубҳасиз.

JUMLADA JAHON

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига яқинда мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлган Латвия Республикаси Саэйми раиси Алфредс Чепанисдан самимий қабул ҳамда иккала давлат учун бирдек муҳим ва мазмунли суҳбат учун мамнунлик билдирилган миннатдорчилик хати келди.

● «Савдо соҳасида монополиядан чиқаришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқди.

● Амалдаги йилнинг 25 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтадиган биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг йиғилишида асосан ташкилий масалалар муҳокама этилди.

● Республика Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш мажмуининг мажлисида улгуржи бозорлар фаолияти масалалари ҳамда тадбиркорликни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун уларнинг фаолиятини такомиллаштириш чоралари муҳокама қилинди.

● Келаси йилнинг февраль ойида истеъфога чиқадиган Жанубий Корея Президенти Ким Ен Сам ўрнини яқинда бўлиб ўтган сайловларда ғолиб чиққан Ким Тэ Чжун эгаллайдиган бўлди.

● Литвада бўлиб ўтган сайловлар натижасига кўра Давлат раҳбари лавозими учун илгари сурилган етти номзод ичидан учтаси, яъни Литванинг собиқ Бош прокурори Артурас Паулаускас, сўл партия вакили Валдас Адамкус ҳамда парламент раиси Витуатас Ландсбергис нисбатан кўпроқ овоз олишди.

● БМТнинг қуролсизланиш бўйича махсус комиссияси раҳбари Ричард Батлерни Ироқ ҳукумати асоссиз гап-сўзлар тарқатишда айблаб, унинг бу даъволари Ироққа қарши ҳарбий куч ишлатиш режасига замин ҳозирлашга қаратилганлигини таъкидлаб, БМТ Хавфсизлик Кенгашини бундай ҳолатни бартараф этишга чақирди.

МУРАББИЙ — КЕЛИНЧАКЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ
2-бет

БИР СОАТЛИК ДАРС
3-бет

1998 yil — Oila yili

ҚИЗЛАР, ҲАЁТГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Балоғат ёшидаги қиз қайсидир ўқув юртида таҳсил олаётир. Унинг мақсади билим олиш, мутахассисликни эгаллаш. Вақти келиб, у ҳаётнинг азалий қонуниятига бўйсунган ҳолда ўзга хонадонга келин бўлиб тушади. Келинлик одоби, эр-хотинлик муносабати, қайнонақайнота ҳурматини жойига қўйиш, қозон-товоқ, болачақа, хуллас, уни тамоман бошқача оилавий муҳит кутмоқда. Демак, у барига тайёр туриши керак...

Тошкентда, Юнус Ражабий номидаги педагогика билим юртига тўпланган 36 нафар талаба қизларга ана шу тушунчалар яна бир бор эслатилди. «Қизлар, ҳаётга тайёрмисиз?» деган чорлов улар қалбида акс-садо берди.

Қутлуғ ташрифи кутилаётган Оила йили арафасидаги бу тадбир шошилинч равишда эмас, балки режага мувофиқ ўтказилди. Танловнинг мақсад ва вазифалари ҳақида республика таълим маркази ўрта ва олий педагогика ўқув юртлари таълими бўлими бошлиғи Гулсара Сафаева шундай деди:

— Бу қизларнинг барчаси бўлғуси муаллималар. Республикамиздаги турли шаҳарлардан келган бу талабалар 17 та мутахассислик бўйича таҳсил олишаяпти. Кўрик-танловни иккинчи маротаба ўтказаяпмиз. Мақсадимиз, қизларни ўз мутахассисликларини қунт-сабот билан эгаллашга ундаш. Иккинчи бир мўлжалимиз эса уларнинг оилавий ҳаётга тайёргарлик даражасини синаш эди. Ана шу ниятда улар ҳукмига анча мукаммал ишланган тест топшириқлари ҳавола этилди.

Танловнинг ташкилий ишларига масъулликни Юнус Ражабий номидаги педагогика билим юрти маъмурияти ўз гарданига олди.

Дарвоқе, бу қизларнинг барчаси ўз билим юртларининг ғолибалари. Энди эса республика мақёсида ўтказилаётган танлов иштирокчиларидир. Бир сўз билан айтганда, мақсад уларнинг бири иккинчисидан устун эканлигини аниқлаш эмас, балки улар орқали ҳар бир қизни истиқболидаги ҳаётга тайёр туришга ундамоқ.

Танловнинг биринчи турига мувофиқ, қизлар ёзма ишда ўз маҳоратларини намойиш этишди. Саводхонлик, фикрлаш, халқимизнинг расм-русм ва қадриятларига муносабат уларнинг ёзма ишларида ҳам намоён бўлди.

Мўлжал бўйича 6 нафар қиз биринчи турдан ўтиб, иккинчи тур иштирокчиси бўлиши керак эди. Ҳакамлар ҳайъати бу ишни холислик ва синчковлик билан уддалашди. Кўқонлик Гўзал Аҳмаджонова, Катта-

(Давоми 4-бетда)

Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилишдир. Бу борада Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, тумандаги 298-мактабнинг юқори синф ўқувчиларига академик йўналиш бўйича таълим берила бошланди. Айни кунда уларга инглиз тили, иқтисод, маркетинг, ҳуқуқ асослари каби бозор иқтисодиёти даврида ишлатиладиган тил ва хизмат жараёнлари ўргатилмоқда.

СУРАТЛАРДА: мактаб раҳбари Васила Омонова ўғил-қизлар билан янги дарслик ва қўшимча адабиётларнинг фаолияти ҳақида суҳбатлашяпти.

Математика фани ўқитувчиси Мавлуда Қаюмова бизнес синфи ўқувчиларига мисолларни турли усулларда ишлаш хусусида тушунча бермоқда.

Холмат МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар



МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ни рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида таълимнинг бу йўналишини замон талаблари даражасида ташкил этиш зарурлиги таъкидланган

Олий Мажлиснинг IX сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзининг «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» деб номланган нутқида таълимни тубдан ислоҳ қилишда биринчи галда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар қаторида ўқитувчилар, тарбиячилар малакасини ошириш масаласини ҳам санаб ўтганди. Жумладан йўлбошчимиз «Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз.

Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерда. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак», дея таъкидлади. Муаммога «пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масала» сифатининг қўйилиши бежиз эмас. Чунки таълим-тарбия соҳасида бошланган туб ислоҳотларнинг асосий ижрочиси ҳозирда фаолиятда бўлган ўқитувчиларнинг салмоқли армияси бўлажаги табиий ҳол. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» талабларидан келиб чиққан ҳолда уларни қайта тайёрлаш ёки малакасини ошириш, аввало, етук педагог кадрлар тайёрлашнинг тезкор ҳамда шу кунлардаги бирдан-бир йўлидир. Ўз-ўзидан бу жараён иккала муҳим ҳужжатнинг амалиётга татбиқ этилишини тезлатиради, таълимни мазмунан янгилашга қўмак беради.

Ҳўш, юқорида таъкидлаб ўтилган ишларни кўнгилдагидек амалга ошириш учун унинг ижросини таъмин этадиган республикамиздаги малака ошириш институтлари қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга тайёрми? Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида бўлиб ўтган «Республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш янги босқичда» мавзусидаги икки кунлик илмий-амалий конференцияда шу саволга жавоб изланди.

— Илгарилари давлат ҳужжати чиқса, шундай бир куз югуртирилса бас эди. Ҳа, ўша эски, одатий, умумий гаплар дейиларди-да, ташлаб қўйиларди, — деди халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев. — Иш ҳам шунга яраша бўларди. Нега энди, яқинда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонунни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни ҳижжалаб урганаяпмизу, лекин бу иш ўз-ўзидан «осон» кўчмаяпти? Биринчидан, бу ҳужжат чинакамига ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўлга киритган ҳукумат, давлат ҳужжати. Иккинчидан, эса унинг бир неча йиллар хулосасига таянилиб, пишиқ-пухта тайёрланганлигида. Демакки, уни бажариш ҳам, унга асосланиб ишлаш ҳам осон кечмайди. Жумладан, ҳозир биз муҳокама этаётган масала — малака ошириш жараёни ҳам.

(Давоми 2-бетда)

Fikr

АЛОҲИДА ЎТКАЗИЛСА...

Ассалому алайкум, «Маърифат» ижодкорлари!

Сизларга кўҳна Бухородан умид билан мактуб йўллаяпман. Мен Шофиркон туманидаги 23-ўрта мактабнинг битирувчи синф ўқувчисиман. Яқинда туманимизда барча фанлар бўйича олимпиадалар бўлиб ўтди. Мен 9-синфдан буён она тили ва адабиёти фанидан олимпиадаларга қатнашиб, совринли ўрниларни (фақат 1-ўрин эмас) эгаллаб келяпман. Шу йили ҳам туман олимпиадасига қатнашдим ва 2-ўринни эгалладим. Биринчи ўринни туманимиздаги 128-лицей ўқувчиси эгаллади. Деярли барча фанлардан лицей, гимназия ўқувчилари 1-ўринни эгаллаб, вилоят олимпиадасига қатнашиш бахтига муяссар бўлдилар. Икки йилдан буён шу ҳолат. Биз қишлоқлик мактаб ўқувчилари ҳар гал индамай қолаверамиз.

Мен бир нарсага ҳайронман. Ахир, биз мактаб ўқувчилари билан лицей ўқувчиларининг билими тенг эмас-ку?! (Бу фикрни айрим халқ маорифи ходимларига билдирдим. Улар «лицей ва гимназия ўқувчиларига тенглаш, кўпроқ мустақил ўқишинг лозим», дейишди. Балким уларнинг фикри тўғридир...) Қолаверса, лицей ва гимназияда дастур бошқача. Буни ҳар қандай киши, хусусан ҳар қандай маорифчи ҳам билади-ку?

Менимча, лицей ва гимназия ўқувчиларининг билимларини алоҳида (мактаб ўқувчиларидан холи) синаб кўрилса.

Ҳурматли таҳририят, менинг бу фикрларим сизнинг газетангиз орқали тегишли мутахассисларга етиб, улардан холис ва адолатли жавобни оламиз, деб ўйлаймиз.

Мунис ЎРОҚОВА,
Шофиркон туманидаги 23-ўрта мактаб ўқувчиси

ММММ ХАБАРЛАРИ

ЎҚУВЧИЛАР БАҲСЛАШИШДИ

Яқинда Қўшработ туманидаги Ҳамид Олимжон номидаги 55-ўрта мактабда шоир ва таржимон, эл оғзига тушган икки буюк сиймо — Чўлпон ва Раҳматилла шоир хотираларига бағишланган мушоира бўлиб ўтди. Унда «Омад гилдираги», «Умид», «Зафар», «Чўлпон» гуруҳлари бешта шарт бўйича баҳслашишди. Беллашувда «Чўлпон», «Зафар» гуруҳлари юқори балл тўплашди ва ғолиб чиқишди.

Иззатулла ҒАЗНАЕВ

ФИКРЛАР МИНБАРИ

Марҳамат тумани халқ таълими бўлимига қарашли 25-ўрта мактабда немис тили фанидан вилоят семинари бўлиб ўтди. Семинар «Синфдан ташқари тадбирларни намунали ўтказиш, ўқувчиларнинг чет тилларига бўлган қизиқишларини орттиришнинг муҳим омиллари» мавзуида ўтказилди.

Йиғилишда вилоятдаги мактаблардан 100 га яқин немис тили ўқитувчиси қатнашди. Давра суҳбати жараёнида бугунги маънавиятимизда чет тилининг ўрни хусусида ҳам ўзаро фикр алмашилди.

Абдурасул ЭРАЛИЕВ

ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР ДАРС БЕРИШМОҚДА

Чет эллик мутахассисларнинг илм масканларимизда дарс бериши одатий ҳолга айланиб бормоқда. Жумладан, Швециядан келган Энквист Лукас, Норвегиядан келган Энквист Шенетта 1995 йилдан буён шартнома асосида Хивадаги 121-махсус мактаб-интернатда ўқитувчилик қилишмоқда. Улар кўзи ожиз болаларга касб танлаш ва атроф-муҳитни ўрганиш бўйича сабоқ бермоқдалар.

Ғойиб ЁҚУБОВ

ММММ ХАБАРЛАРИ

ЖУРНАЛИСТ НИМАЛАРНИ БИЛИШИ КЕРАК?

Бугун таълимдаги ислоҳотларнинг амалга ошиш даражасини, ютуқ ва муаммоларини кўрсатиб бера оладиган журналистика керак. Педагогик йўналишда фаолият кўрсатаётган журналист бу паст-баландликларни, ўзига хосликларни кўра билиши, таҳлил қила олиши унинг вазифасидир. Хўш, бундай журналист аввало нималарни билиши керак? Ишни нимадан бошлаши лозим? Албатта, у ҳам барча таълим ходимлари қатори қонун ва миллий дастурнинг ҳар бир бандини, ўтиш босқичларини ўқиши, ўқиши, шарҳлай билиши, шунингдек, бунда оддий ўқитувчидан бошлаб вазирликкача бўлган мутасаддиларнинг бурч ва вазифаларини ҳам билиши лозим.

Шу муносабат билан Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида «Таълим тўғрисида»ги янги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур»ни ўрганиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш масалаларига бағишланган матбуот конференцияси ўтказилди.

Унда педагогик газета ва журналлар ходимларининг бу икки ҳужжат юзасидан берган саволларига халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев атрофлича жавоб берди.

Конференция давомида журналистлар ўзлари учун мавзуларни ҳам белгилаб олдилар.

Матбуот конференциясида халқ таълими вазири ўринбосари Хайриддин Маъсудов, педагогик нашрлар бош муҳаррирлари, журналистлар иштирок этишди.

Мухбиримиз

Hay'at majlisi

ЎТИШ ДАВРИНИНГ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон таълим тизимида бу йил катта ислоҳотлар рўй берди. «Таълим тўғрисида» янги Қонун, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Унга кўра бугунги кунларимиз биринчи босқич — ўтиш давридир. Ўтаётган ҳар бир тадбир, амалиётнинг олдида ўтиш даврининг вазифалари, масалалари турибди.

ИСЛОҲОТНИНГ БОРИШИ БУХОРО МИСОЛИДА

Узбекистон Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат мажлиси ҳам шу ўтиш даврининг масалаларига бағишланди, десак хато бўлмайди. Ҳайъатда биринчи бўлиб муҳокама қилинган «Бухоро вилояти халқ таълими бошқармасининг таълимни ислоҳ қилиш бўйича амалга ошираётган ишлари тўғрисида»ги масала фикримизга далил бўла олади.

Ислоҳотларни амалга оширишда Бухоро вилоятида муайян ишлар бажарилган. Йиғилишда ютуқлар ўзимизники эканлиги таъкидланиб, асосий диққат-эътибор хато ва камчиликлар, уларни бартараф этиш йўлларига қаратилди. Масалан, вилоятдаги таълим-тарбия муассасалари раҳбарлари фаолияти устидан назорат бўшаштириб юборилган. Бухоро шаҳридаги мактаб директорлари билан таълимни бошқарув назарияси ва амалиёти бўйича ўтказилган тест синовлари натижаси аксарият раҳбарларнинг компьютер саводхонлиги пастлигини, педагогик жамоани бошқаришга оид масалаларнинг туб моҳиятини давр талаблари асосида теран англаб олмасликларини кўрсатган. Маълумотномада таъкидланишича, Жондор (ХТБ мудири А. Шодиев), Қоракўл (ХТБ мудири Х. Файзуллаев) туманлари мактаб раҳбарлари Узбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари юзасидан етарлича тушунчага эга эмасликлари аён бўлган. Бу оқибатлар маълум маънода Абдулла Авлоний номидаги ХТХМОМИда туман (шаҳар) ХТБ мудир ва муовинлари, методист-назоратчилари, мактаб директорларининг малака ошириш режаси (78,5 фоиз) бажарилмаганлигидан эмасми? Яъни раҳбарлар доим малакасини ошириб туриши керак. Шунингдек бошқа камчиликлар ҳам таъкидланиб, уларни бартараф этиш бўйича ҳайъат мажлиси қарор қабул қилди. Қорақалпоғистон ХТБ, Тошкент шаҳар ХТББ ва барча вилоят ХТБларига «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» моҳиятини, уларнинг асосий ғояларини ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар, кенг жамоатчилик ўртасида ўқувлар, семинарлар воситасида кенг тушунтириш ишларини йўлга қўйиш ва тез орада бунинг ахборотини бериш яна бир бор таъкидланди.

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ҚАШҚАДАРЁ МАКТАБЛАРИДА ҚАНДАЙ ЎҚИТИЛМОҚДА?

Ҳайъат мажлисида кўрилган «Қашқадарё вилояти халқ таълими муассасаларида физика-математика фанларини ўқитишнинг самарадорлиги ҳақидаг»ги масала ҳам бугуннинг долзарб вазифаларидандир.

Давлат тест марказининг таҳлилига кўра, болаларнинг математика, айниқса физикадан дарсларни ўзлаштиришлари нисбатан паст даражада. Утган йил бу таҳлилдан хулоса чиқарилиб, вилоятда маълум ишлар амалга оширилган. Бироқ бунда ҳам асосий эътибор камчиликларни бартараф этишга қаратилди. Маълумотномадан: «Физика, математика фанлари бўйича тест синовлари орқали билим савияси текширилган 827 нафар ўқувчидан 142 нафари (17,1 фоиз) қониқарсиз натижа кўрсатди. Вилоятнинг Нишон (С. Мамашоев), Чироқчи (М. Турсунов), Усмон Юсупов (Г. Аминов) туманларининг бир қатор мактабларида режалаштирилган лаборатория ишлари, амалий машғулотлар ўз вақтида бажарилмаганлиги, ўқитувчиларнинг ҳозирги замон педагогик технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда дарс бермаётганлиги кузатилди. Бундан ташқари лаборатория ишларининг бир қисми асбоб-ускуналар етишмаслиги туфайли ўтказилмайди, компьютерлардан фойдаланилмайди ва яна бир сабаб, 1995—1997 йиллар малака ошириш институтида физика-математика фанлари ўқитувчиларининг малака оширишида бирор йил ҳам режа бажарилмаган.

Шу боис, ҳайъат қарорида Қашқадарё вилояти ХТБга қарашли умумтаълим мактабларида физика ва математика фанларининг ўқитилиши самарадорлиги бўйича амалга оширилаётган ишлар етарли даражада эмас, деб топилди. Вилоятнинг Чироқчи, Усмон Юсупов, Қамаши, Нишон туман ХТБлари ўқув муассасаларида физика, математика фанларининг ўқитилиши савияси паст эканлиги кўрсатилди.

Ҳайъат мажлисида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида Халқ таълими вазирлигининг «Ёш педагоглар билан ишлаш дастури» ҳам тасдиқланди. Унинг мақсади, аҳамияти ҳақида кейинги сонларимизда батафсил тўхталамиз.

Шунингдек, ҳайъат мажлисида давлатнинг икки ҳужжатлари асосида вазирликнинг истиқбол тадбирлари, гепатит касаллигининг олдини олиш, педагогика олий ва ўрта махсус билим юртлари ётоқхоналари ишини яхшилаш ва педагогик нашрларга обуна масалалари ҳам таҳлил этилди. Йиғилишни ҳайъат раиси, халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев олиб борди. Ҳайъат ҳар бир масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Ҳайъат мажлисида Узбекистон Республикаси Президенти девони масъул ходими Жуманазар Ҳусанов иштирок этди.

Ҳ. ОМОНОВ

Tanlov

МУРАББИЙ – КЕЛИНЧАКЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ

Ҳар гал вилоятларга борганимда одамларнинг руҳини кўтариш учун қандайдир тадбир зарурлигини ҳис қилардим. Чунки, инсонда шундайин бир эҳтиёж ҳам борки, беихтиёр қулингдан келадиган ишни кўпчиликка намоён этгинг келади. Бу билан барчага фойданг тегаётганлигингдан ҳузурланасан. Бугунги кунда бу борада вазифани маълум маънода танловлар ўз зиммасига олди. Республикамизда булиб ўтаётган ҳамширалар баҳси, мактабларда ўтказилаётган танловларни кузатиб ана шундай хулосага келдим. Инсонларни бир жойга туплаб, жамоани юз кўриштирмоқ савоб иш ва яна танловлар қўшиқ байрамига, касб байрамига айланиб кетади. Шунинг учун ҳам Халқаро «Экосан» ва «Олтин мерос» Халқаро жамғармалари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва Республика Хотин-қизлар қўмитаси «Энг яхши келинчак» танловини ўтказишга қарор қилди. Мақсад аёлларимизнинг оиладаги, жамиятдаги ўрни мавзуини кўтариш ижтимоий турмуш тарзини яхшилаш, соғлом авлодни шакллантириш каби эзгу ниятларга диққатни тортиш. Қарангки, худди шундай танловни ўтказиш маслаҳати бўлаётган кунларда Президентимиз 1998 йилни Оила йили деб эълон қилди. Демак, танлов баҳонасида келинчакларимизнинг меросимизни қай даражада билишлари ва қадриятларимизга муносабатлар, атроф-муҳитни тоза тутиш, табиатни ҳимоя қилишга қўшаётган ҳиссаларига баҳо берилади. Инчунун, ҳар бир келинчак ўзининг ишига ўзгалар назари билан баҳо беради, ўрганади, фикрлайди. Нимадир олади. Оила иқтисоди, деган тушунчадан огоҳ бўлади.

Танлов — келинларимизга, оилага жамиятнинг, давлатимизнинг эътибори. Аёлларимиз эртанги кунимизни яратишда ҳал қилувчи куч эканлигини англаш ва англатиш.

Биз ана шу танловда мамлакатимизнинг узоқ-яқин қишлоқларида фарзандларга сабоқ бераётган муаллима — келинчакларнинг иштирок этиши ва ғолиб чиқишини истардик. Ғолибларга биринчи урин учун 50.000, иккинчи уринга 30 минг, учинчи уринни эгаллаган иштирокчига 15 минг сум пул мукофоти ажратилган. Бундан ташқари оила учун зарур бўлган қимматбаҳо буюмлар совға қилинади. Бу танловда иштирок этиш учун келинлар 5 йиллик оилавий тажрибага эга бўлишлари талаб этилади. Яна бир нарса аёнки, танловда иштирок этиш ва ғолиб чиқиш учун муаллималарнинг имконияти катта. Сизга бу танловда ғолиблик насиб этишин истаймиз, сиз учун мухлислик қиламиз.

Раҳмон АЛИ

Айни кунда Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастури»дан келиб чиқадиган вазифалар болалар боғчаларида, илм масканларида, мактабдан ташқари муассасалар жамоаларида кенг муҳокама қилинянти. Бу борада Тошкент туманидаги 9-ўрта мактаб директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Ҳотам ака Иноғомов тажрибаси эътиборга сазовор. Даставвал у 75 нафар муаллим иштирокида педкенгаш ўтказди. Унда ҳар иккала ҳужжат моҳияти синчиклаб ўрганилди. Сўнгра ҳар бир муаллим билан саволжавоб уюштирди.

Суратда: фидойи раҳбар Ҳотам Иноғомов мактаб фаолларига Қонун ва Дастур моҳияти ота-оналарга ҳам етказилиши ҳақида тушунча бераянти.

(Боши 1-бетда)

МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ

Жўра Йўлдошев бу борадаги муаммоларни санаб ўтаркан, аввало, педагоглар ва раҳбарлардаги малакага бўлган муносабатни ўзгартиришдан ишни бошлаш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

— Малака ошириш ўқитувчининг кундалик ишига, эҳтиёжига айланмоғи керак, — деди Ж. Йўлдошев. — Чунки у янгиликларга тўлиб-тошган айни замонда улардан бехабар бўлса на ўқувчига замонавий билим бера олади, на уларнинг ҳурматига сазовор бўла олади. Демакки, малака оширишнинг илк бошланиши ўқитувчининг ўзидан экан. Сунгра мактаблардаги билимли, тажрибали, маҳоратли педагоглар билан ёш ёки тажрибаси камроқ ўқитувчиларни ўзаро бириктиришдан ҳосил бўладиган «Устоз — шогирд» мактаблари бу вазифани бажариши мумкин.

Вазир малака оширишнинг узлуксиз йўлга қўйилишини босқичма-босқич санаш баробарида жойлардаги раҳбарларнинг бу ишга ёндашувига алоҳида тўхталди. Малака оширишга ўқитувчиларнинг аксарият қисми ҳеч бир асоссиз, мақсадсиз, режанинг бажарилиши учун сон сифатида келаётганлигини, натижада малака оширишга мўҳтож бўлганлар шундайлигича қолиб кетаётганлигини кечириб бўлмас ҳол сифатида айтиб ўтди.

— Аслида, ўқитувчига биринчи галда педагогик ташҳис қўйиш керак, — деди Ж. Йўлдошев. — Бунинг учун ўқитувчини унга қўйилаётган барча кўрсаткичлар бўйича обдон синовдан ўтказиб, унинг эҳтиёжини аниқлаш лозим. Кейин аниқланган эҳтиёжга қараб уни қаерда тўлдириш мумкинлигини ҳал этиш керак. Балким бу етишмовчиликни шу мактабнинг ўзида ҳам тўлдиришга имконият бордир. Йўқ, бизда «аниқлаш»нинг бошқача «мезон»и борки, у ҳам бўлса ўқитувчининг иш стажи. Ким кекса ўқитувчининг тажрибали, билимли, малакали эканлигига ёки ёш педагогнинг аксинча эканлигига кафолат бера олади.

Малака ошириш борасидаги қўйи погонадаги муаммолар хусусида тўхталиб, Жўра Йўлдошев худди шу ёндашув ҳамда муносабат малака ошириш институтларида ҳам мавжудлигини айтиб ўтди. Улардаги бир хил мазмундаги ўқув тизими, маърузалар ҳамда услублар ҳам маълум маънода ўқитувчиларда малака оширишга нисбатан узгача тушунчани келтириб чиқараётганлигига сабаб бўлмоқда. Муаммонинг яна бир жиҳати, ўқитувчи малакасини ошириб борганидан сўнг, ундан мактаб директорининг, сиз қанчалик даражада малакали бўлиб, қандай янгиликлар билан келдингиз, дея қизиқмаслигида, агар ҳақиқатан ҳам ўтган бир, икки ойни бесамар ўтказмаган бўлса, унинг бошини силашни хаёлига ҳам келтириб қўймаслигида. Албатта, қилаётган ишидан рағбат кўрмаган киши янада самарароқ ишлашга, янгиликка интилишга бефарқ бўлиб бораверади. Натижада ҳозирда ўқитувчилар орасида кўпчиликни ташкил этаётган кунутарга ишлаб юрганлар қаторидан ўрин олади. Бугунги талаб эса, қолоқларни илғорларга тенглаштириш. Бунинг бирдан-бир йўли ҳам, бозор иқтисодиётининг темир қоидаси ҳам қанчалик кўп ва хўб ишлаганни шунчалик моддий рағбатлантириш.

— Бугунги конференциядан кўзланган асосий мақсад — муаммоларни аниқлаш баробарида, уларни бартараф этишнинг аниқ йўллари ва омилларини аниқлаш, — деди Ж. Йўлдошев. — Менимча, бу ишни республика бўйича ҳар бир ўқитувчининг шахсий картасини тузишдан бошламоқ керак. Нега деганда унда акс этган кўрсаткичлар малака ошириш институтлари ўқув мазмунини белгилашга асос бўлади. Иккинчидан, малака ошириш институтларини асосий мақсадга, яъни ўқитувчига, аввало ўз фани бўйича, сўнгра методикадаги, таълим бериш технологиясидаги ва шунга ўхшаш педагогик янгиликларни бериш ишига йўналтирмоқ керак. Бунинг учун чет эллардаги, республикамиздаги, вилоятлардаги замонавий тажрибаларни жамлаш, дунё фани ва педагогикасига оид маълумотларни тўплаш тақозо этилади.

Шунингдек, Ж. Йўлдошев малака ошириш институтларида дарс беришнинг илғор услубларидан фойдаланиш, ўқитувчиларни кўпроқ ўз устида ишлашга кўниктиришга жиддий аҳамият берилиши лозимлигини таъкидлади. Малака оширишнинг мўҳобил шаклларини йўлга қўйиш, жумладан, жойларда, мураббийлик асосидаги (Устоз-шогирд), тезкор тайёрлайдиган, муаллифлик, сиртқи, қисқа муддатли, туман ва шаҳар миқёсида доимий ҳаракатдаги курсларни ташкил этиш самараси ҳам вазир томонидан алоҳида таъкидланди.

Конференция ишида сўзга чиқишган шу соҳа мутахассислари ҳам малака ошириш самарадорлигини ошириш ҳамда унга янги мазмун ва шаклни олиб киришга оид ўз таклифларини айтишди. Давлат таълим стандартлари бўйича республика инспекцияси бошлиғи Рустам Аҳлиддинов малака ошириш тизими ходимларининг ўзларининг малакасини оширишни йўлга қўйиш, бу йўналишда ўзаро рақобатни юзага келтириш учун малака ошириш институтларининг нодавлат турларини вужудга келтириш лозимлигини қайд этди. Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ректори Акром Акмалов чет эллардаги малака ошириш тажрибаларини ўрганиш ва улардан ижодий фойдаланиш самаралари хусусида тўхталди.

Андижон вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Жўрабой Халиловнинг вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институтида олиб борилаётган ишлари хусусидаги гаплари, бевосита амалиётда юқорида таъкидланган талабларни бажаришга интилишлар борлигидан дарак берганлиги билан аҳамиятли бўлди.

Ялпи йиғилишдан сўнг конференция иштирокчилари шўъбаларга бўлиниб, мавжуд муаммоларни чуқур ўрганиб, улар ечимининг мақбул йўллари ҳақида фикр алмашдилар, мутахассислар маслаҳатларини тинглашди. Конференция сўнгида муҳокама этилган масала юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Биз газетанинг ўтган сонида бу конференциянинг жуда сермазмун ва самарали бўлганлигини таъкидлаган эдик. Бу хулосага унда иштирок этган республикадаги малака ошириш институтлари раҳбарлари ва ходимлари айтилган муаммоларни илғаб, улар ечими ҳақида ҳам батафсил тушунчаларга эга бўлишди, деган тахмин билан келдик. Бироқ бу икки кунлик ишнинг чинакамига фойдали бўлганлиги жойларда бу борада бошлаб юборилажак ҳаракатлар мазмунида акс этажагига умид билан қоламиз.

Абдусамат РАҲИМОВ

Jurnallarning yangi sonlarida

МАВЗУЛАР РАНГ-БАРАНГ

«Халқ таълими» журнали ўзининг навбатдаги сонини илҳақ кутаётган муштарийлари ҳукмига ранг-баранг мавзуларни ҳавола этган. «Таълим тўғрисида»ги Қонун матни нашрнинг датлабки саҳифасидаёқ кўзга ташланади.

«Фарзанд онадан тарбияси «қийин» бўлиб туғилмайди» сарлавҳали мақола муштарийлар диққатини жалб этади. Муаллиф Г. Тўлаганова (ТошДУ доценти) тадқиқотига кўра, «педагогик қаровсизликнинг паст, ўрта, юқори ва криминал даражаси қайд этилади». Бу тасниф ва унинг профилактикаси мақолага илова қилиб берилган.

«Макр тузоғи» сарлавҳали мақола ҳам муштарийларни бефарқ қолдирмайди. Мақолада чоризмнинг Туркистон ўлкаси халқларига кўрсатган таълимдаги тазйиқлари таҳлил этилган. Чоризм амалдорлари рус-тузем мактабларини мумкин қадар кўпайтиришга аҳамият беришгану, айни вақтда маҳаллий мактабларни қисқартириш пайидан бўлишган.

Журналда, шунингдек Камолиддин Беҳзод ҳаёти ва ижодини ўрганишга доир мақола ҳам эълон қилинган. «Физика ўқитишда рейтинг тизими» мазкур фан ўқитувчиларига маълум йўналишлар бера олади.

Қисқаси, «Халқ таълими»нинг ушбу сонида, анча қизиқарли, мушоҳадали мақолаларни ўқишингиз мумкин.

ЭКРАНДА ЯНГИ ФИЛЬМ

Куни кеча республика кинематографчилар уйида «Истиқлол фидойилари» рукни остида таниқли сиёсий раҳбар, фидойи арбоб Файзулла Ҳужаев хотирасига бағишланган «Армон» («Файзулла Ҳужаев») номли ҳужжатли фильм премьераси бўлиб ўтди. Маросимни кинорежиссёр ва актёр Исамат Эргашев очди. Машъум қатағоннинг ноҳақ қурбони бўлган Ф. Ҳужаевнинг ҳаёти ва фаолияти ўрганилаётган бир даврда ушбу фильмнинг яратилиши айни муддао бўлди. Ушбу киноасар муаллифлари таниқли киношунос Ҳ. Акбаров, режиссёр Ғ. Шодмонов, оператор У. Ризаевлар унинг ишончли ва таъсирчанлиги, энг муҳими, халқимизга манзур бўлиши учун бор маҳоратларини ишга солганликлари фильмда сезилиб турибди.

Тарихий ҳужжат ва фотосуратлардан, илгари тақиқланган архив материаллари ва кино ленталар, чоп этилган матбуот хабарларидан унумли фойдаланган фильм ижодкорлари ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришганлар.

Дарҳақиқат, тарихий ҳақиқатнинг очилмаган саҳифалари акс эттирилган бундай киноасарлар яратиш бугуннинг асосий вазифасидир.

Моҳигул АЗИМОВА,
ТошДУ талабаси

Fanimiz fidoiylari

СЕРМАҲСУЛ ОЛИМ, ТАЛАБЧАН УСТОЗ

Ҳар қандай билимли киши илмли бўла олмаганидек, ҳар қандай илмий даражага эга бўлган илмий ходим ёки ўқитувчи ўзини олим ҳисобласа ҳам, ҳақиқий олим бўла олмайди. Ҳақиқий олим ўз фанини чуқур билиши қаторида, унинг тарихини, бугунги аҳволини ва келажак истиқболини англаб ета олишга қодир бўлмоғи лозим. Бунинг учун унда тийран илмий тафаккур, чуқур назарий мушоҳада, сермазмун мулоҳаза юксак фалсафий маданият керак бўлади. Ана шуларнинг ҳаммаси йиғилиб гўзал инсоний фазилат бўлган олижаноблик билан бирикиб кетади.

Шундай фазилатлар эгаси, фан фидойиси, зукко олим, давр фарзанди Жондор Туленовнинг ёшлик ва ўсмирлик даврлари 30-40 йилларга тўғри келади. Моддий қийинчилик, уруш йиллардаги қашшоқлик уни ҳаётига ҳам таъсир қилади. Мактабда ўқиб ишлайди. Ўрта мактабни битиргандан сўнг Алмати шаҳридаги ҳуқуқ институтини 1950 йили битиргандан сўнг ҳуқуқий органларда турли лавозимларда хизмат қилади. Сўнг аспирантурага кириб, 25 ёшида фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиб, Алмати олий ўқув юртларида фаолият кўрсатди. 1962 йили Ленинград университетида докторлик диссертациясини ёқлади. Бир йилдан сўнг профессорлик илмий унвонига сазовор бўлиб, 1972 йили Тошкентга келиб, Тошду қошидаги малака ошириш институтига профессор бўлиб, 1972 йилдан 1996 йилгача Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг фалсафа кафедраси мудири ҳамда шу институтнинг илмий ишлар бўйича проректори бўлиб ишлади. Ҳозирги кунда фалсафа кафедрасининг профессори вазифасини бажариб келмоқда.

Диалектика назарияси ва ижтимоий фалсафа йўналиши билан шуғулланган Ж. Туленов бу борадаги муаммоларни назарий тадқиқ этиб, жиддий — муваффақиятларга эришди. Фалсафа қонунлари ва категорияларининг моҳияти, уларнинг тузилиши ва тизими, намоён бўлиш хусусиятлари; илмий тафаккур услуби ва унинг моҳияти; жамиятни илмий билиш ва бошқариш, ижтимоий зиддиятлар ва уларни бартараф этиш йўллари; миллий истиқлол мафкураси ва унинг фалсафий жиҳатлари; мустақиллик шароитида фалсафани янгилаш ва уни фан сифатида ривожлантириш; қадриятлар ва уларнинг жамият тараққиётида тутган ўрни, миллий ва умуминсоний қадриятлар муштараклиги, миллий тикланишнинг назарий ва амалий масалалари шулар жумласидандир.

Мазкур илмий муаммолар бўйича 350 дан ортиқ илмий асарлар, жумладан 28 монография, 60 рисола, юзлаб илмий мақолалар ва унинг раҳбарлигида 24 илмий тўпламлар чоп этилган. Асарлари инглиз, немис, румин тилларида нашр қилинган. Ж. Туленов кўплаб жаҳон конгресслари, илмий анжуманларда фаол иштирок этган.

Ж. Туленовнинг илмий фаолияти қанчалик сермаҳсул бўлса, ижтимоий ва шахсий ҳаёти ҳам шунчалик сермазмундир. У ўн бешта фан доктори, юзлаб фан номзодларини етиштириб чиқарди. Бу шогирдлари унинг ҳаёти мазмунини ташкил этади. Зотан, шогирдсиз устоз мевасиз дарахт мисол.

Маълумки, собиқ СССР пароканда бўлиб, мустақил давлатларнинг вужудга келиши муносабати билан эски ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тузум ва унга хизмат қилиб келган мафкура ҳам таназзулга юз тутди. Натижада, янги миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш эҳтиёжи туғилди. Ижтимоий хаётда юз берган ўзгаришлар ва уларни назарий илмий томонларини таҳлил этиш ва улардан умумлашмалар чиқаришдек ижтимоий зарурият катта тарихий давр сабоқларини ва умумфалсафий хулосаларни ўз ичига олган олимнинг «Ҳаёт фалсафаси» (1993 й) номли мухтасар асарида ўз ифодасини топди. Асарда фалсафа фанининнинг инсон дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантиришдаги ўрни, унинг фан ва дунёқараш сифатидаги хусусиятлари, сиёсат билан алоқадорлиги, мустақил давлатимиз талаблари ва унинг мақсадларидан келиб чиқадиган янгиланган фалсафани яратиш масалалари атрофлича баён қилинади.

Мустақиллик шароитида ижтимоий ҳаётда юз бераётган сифатий ўзгаришларнинг кўпқиррали ва кенг кўламлиги, мураккаб ва зиддиятли бўлганлиги уларнинг назарий ва амалий ечимини топиш нақадар долзарб эканлигини намоён этмоқда. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик вазифалари ўзўзича ва осонлик билан ҳал қилиниши мумкин эмаслигини ҳам тақоза этади. Бу ҳолат файласуф олимлар олдига жиддий вазифаларни ҳам қўядики, уларга методологик жиҳатдан ёндошмасдан туриб, уларни ижобий ҳал қилиб бўлмайди.

Бу ўринда республика Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асари файласуфлар учун методологик манба бўлиб хизмат қилиши табиий. Мустақиллик муаммоларини янги методология асосида назарий мушоҳада қилиш зарур. Бугунги кунда янгича тафаккур ижтимоий амалиётнинг ҳаётий эҳтиёжига айланмас экан, у моддий куч бўла олмайди.

Ж. Туленовнинг мустақиллик шароитидаги илмий фаолияти замон билан ҳамнафас эканлиги яна шунда кўринадики, у ҳаётнинг долзарб масалаларига мурожаат қилар экан, унинг бундай ҳозиржавоблигини олимнинг фандаги фаоллигини аниқ кўрсатади.

Ж. Туленов икки халқ фарзанди. Унинг илмий фаолияти Қозоғистонда бошланган бўлса ҳам, Ўзбекистонда давом этди. Унинг хизматлари муносиб тақдирланди. Ўзбекистон республикаси Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси. Беруний номидаги Давлат мукофотини лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби бўлди. Бу обрў-эътиборига у ўзининг ҳалол меҳнати билан, шогирдларига бўлган меҳрибонлигию талабчанлиги билан эришди.

Ф. ИСМОИЛОВ,
Низомий номидаги ТДПИ фалсафа кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Президент Клинтон Босния экан, маҳаллий халқларга мурожаат этиб, мудом тинчликни олиб келиш учун ҳамкорликка чақирган. Илк бор Сараевага буюрган ташрифи давомида у бутун мамлакат аҳолисига мурожаат этиб, ёш авлод истиқболи учун бўлиниш чизиқларидан кўпроқ ҳатлаб ўтишга кўпроқ имкониятлар қидиришга чорлаган.

***

Британия, Олмония, Италия ва Испания анчадан бери четга қолдириб келинаётган бир лойиҳа — қирувчи самолёт лойиҳасини илгари суришга келишишди. Бу лойиҳа олтмиш миллиард долларга тенг. Лойиҳа танқидчиларининг фикрича, совуқ уруш тугаганидан сўнг бу каби ўта илдамлаган самолётга эҳтиёж йўқдир.

«Би-Би-Си»
(Лондон)

***

Руссия Президенти Борис Ельцин шу ой бошларида шифохонада ётқизилишига омил бўлган тумовдан тўлиғича соғайганлигини айтган.

***

Афғонистон мухолифотчиларининг энг юқори мартабали раҳбари Бурҳониддин Раббоний Покистон Бош вазири Навоз Шариф билан учрашишга тайёр эканлигини айтган.

«Америка овози»
(Вашингтон)

Safar taassurotlari

ГЕРМАНИЯ ҲУНАР ТАЪЛИМИ

Республика ҳунар таълими ходимлари малакасини ошириш институтининг тингловчилари Тошкент шаҳридаги энг илғор ўқув муассасаларида кўчма машғулотларда бўлиб, иш тажрибалари билан ўртоқлашишади.

Бу ойда ҳам ана шундай бўлди. «Савдо ва умумий овқатланиш» бўйича ишлаб чиқариш таълими усталари озиқ-овқат ва енгил саноат республика касб-ҳунар лицейида кўчма машғулотда бўлишди.

Мазкур лицей ўтиш даврида ўзига хос қийинчиликларни енгиб, ўқиш ва ишлаб чиқариш жараёнига тааллуқли анча янгиликларни татбиқ этиб, катта ютуқларни қўлга киритди. Лицей педагогик жамоаси эришилган ютуқларда тўхтаб қолмай, балки чет элдаги бир қанча мамлакатларга сафарларга бориб, тажриба алмашиб, ҳамкорлик қила бошлади. Ана шундай ижодий сафарга яқинда ўқув ва ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Ҳалима Авазова бориб келдилар. Институт тингловчилари билан бўлган қизиқарли суҳбатда у ана шу ижодий сафари мобайнида олган таассуротлари, эндиликда қилинадиган ишлар ҳақида гапирдилар.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Ҳалима опа моҳир тикувчи ва бичувчи. У Тошкент енгил саноат ва тўқимачилик институтини битириб, кўп йиллар давомида ишлаб чиқаришда ишлаган. 10 йилдан ошиқ ана шу билим даргоҳида ишлаб, ижод қилаётган, меҳнатини махсус фан ўқитувчисидан бошлаган, билим юртида бўлган ва бўлаётган ижобий ўзгаришларга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётган, шогирдларининг севимли мураббийсидир. Ҳалима опа билан ишлаётган ҳамкасабалари ҳам уларни жуда тадбиркор аёл сифатида билишади. Шунинг учун тадбиркор аёллар ассоциацияси Ҳалима опани бежиз ижодий сафарга жўнатмаган.

«Олмонияга боришимиздан мақсад, ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида билим юртларининг ўрни, болаларга қандай ишчи касблар, ҳунарлар қай усулда ўргатилади, бу билим юртларида иш жараёни қандай кечади, улардаги ўқув дастури ва режалари қандай ва шу билан биргаликда тадбиркор аёлларнинг ўрни, роли, моҳияти билан танишиш эди. Биз, аввало, Германияда ҳунармандчилик палатасида бўлдик. Турли хилдаги билим юртлар ана шу палатага қарашли экан. Ҳар қандай билим юртига киришдан олдин ўқувчи тестлардан ўтиб, сўнгра қизиқиши ҳисобга олинган ҳолда ўқишга қабул қилинар экан. Ёки корхонада ишлаётган ишчини корхонанинг ўзи ўқишга жўнатар экан. Ўқиш жараёни босқичма-босқич олиб борилар, маълум вақт назарияга — 40 фоизгача ва кўпроқ амалиётга — 60 фоизгача вақт ажратилар экан. Назарияда ҳам, амалиётда ҳам ўқувчиларнинг мустақил ишлашига кўпроқ аҳамият берилар экан. Натижада ўқувчиларнинг ўзида мустақил ўқишга, ишлашга интилиш кучая борар экан. Ишлаб чиқариш таълими ўқитиладиган ўқув цехлари алоҳида бўлиб, бу ерда ўқувчи касб ўрганишида, тарбияланишида, шахсий ҳаётида ишлаб чиқариш таълими устасининг роли ниҳоятда катта экан. Махсус фан ўқитувчиси ва ишлаб чиқариш таълими устасининг ўртасида ижодий ҳамкорлик бизни лол қолдирди, десак ҳам бўлади. Аммо назарий ва амалий тайёргарлик сифатида бизнинг ўқитувчи ва усталаримиз уларникидан қолишмайди, ҳатто бир дарсни ўзим ўтиб бердим, уларга эса бу маъқул бўлди. Бизда фақат моддий-техника базамиз бироз ночорроқ. Уларда ҳар бир ўқитувчи, уста ва ўқувчилар учун касбига тааллуқли махсус дастурлар билан таъминланган ЭҲМ лар бор. Бу машиналарда ўқувчилар мустақил равишда кийимни лойиҳалаштирадилар, андозаларни чизадилар ва бошқа амалий ишларни қиладилар. Бундан ташқари асбоб-ускуна, жиҳозларнинг энг янги замонавийлари ўқувчилар қўлида. Ўқувчи улардан фойдаланиб мустақил равишда турли фасонда кийим тика олади. Яна бир қизиқарли тарафи шундаки, ўқиш жараёнини оптималлаштириш, енгиллаштириш яхши йўлга қўйилган. Бу иш ўқитувчи ва ўқувчининг вақтини тежайди, натижада кам вақт ичида кўп нарса ўргатилади. Масалан, битта маникен бўлакларга бўлинган бўлиб, одам гавдасининг нуқсонларига қараб, ҳар бир бўлагини катта ўлчаб ёки кичрайтириб ностандарт одам гавдасини яратиш мумкин. Бундан ташқари дарс жараёнида ўқитишнинг техника воситалари, масалан, кодоскоп, турли кўргазмали қуроллардан тўлиқ фойдаланилади.

Ўқувчилар доскадан кўчириб, вақтни беҳуда ўтказмасликлари учун бериладиган ўқув материали кўпайтирилиб, ҳар бир ўқувчининг қўлига берилар экан.

Ўқишни битиргандан сўнг ўқувчига ишчи касби берилиб, у маълум вақт ишлаб, сўнг яна тестлар ва аттестациядан ўтказилиб яна ўқишга кириб, ўқиб, уста дипломини олиши мумкин экан. Ана шундай босқичлардан ўтгандан кейингина институтга кира олар экан. Бундай малака ошириш учун хусусий патентлашган кичик мактабларда кичик ателье ёки махсуслашган кичик корхоналарда ишдан ажралган ёки ажралмаган ҳолда шартнома асосида ўқитилиб, диплом берилади. Бир касбни тўлиқ ўрганганидан сўнг, иккинчи касбни ўрганиш мумкин.

Тўғри, бизда ҳам шундай, аммо биз оддий нарсаларга, элементларга кўп ҳам эътибор бермаймиз. Аммо ҳар бир касбнинг ўзига яраша ўзаги бор. Масалан, тикувчиларда машина чоклари. Олмонияда мана шу чокларни ўтишга жуда кўп, ҳаттоки уч ойгача вақт ажратиларкан.

Ўқувчи яхши чок тикмаса, у яхши ва сифатли кийим тика олмайди.

Бўлиб ўтган қизиқарли суҳбатнинг якунида шундай хулосага келинди. Республикамизнинг ҳар бир касб олиш бўйича илғор ва тажрибали махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари бир жойга йиғилиб, ўқув дастур ва режаларини биргаликда қайтадан кўриб, мулоҳаза қилиб, ўзининг фикрини билдира оладиган семинар ташкил этилса, сўнгра уни ҳаётга татбиқ қилинса, ўқувчиларга билим бериш, касбга ўргатиш, тарбиялаш каби масалаларни биз ҳам Германиядаги тажрибаларга асосланиб ўзига хос йўлга қўйишимизга кўмак бўларди.

Л. АНТИПОВА,
Республика Ҳунар таълими ходимларининг малакасини ошириш институти профессори,
Ш. МИРЗААҲМЕДОВА,
катта ўқитувчи

Tajriba, sinov, natija

ОДДИЙ УСУЛ

Ҳаётда ҳар бир бажарилган иш ўз баҳосини топмоғи лозим. Чунки тўғри қўйилган баҳо инсонни руҳлантиради, уни янада олга ундайди. Худди шундай ҳол таълим-тарбияда ҳам ўз аксини топган. Мактаб ҳаётида ўқувчи меҳнати баҳо билан қадрланади. Ўқувчини баҳолаётганда ўқитувчи кўпроқ унинг олган билимини назарда тутади. Шу боис бўлса керак, аъло баҳога ўқийдиган ўқувчиларнинг ҳам баъзилари жамоат ишларига ёки атрофдагиларга нисбатан эътиборсиз бўлиши мумкин. Лекин бизнинг ривожланаётган жамиятимизга фақат билимли эмас, ҳар томонлама тарбиялланган ёшлар зарур. Шуни назарда тутиб, биз айрим синфларда кўп балли баҳолашни қўллаб кўрдик. Бунинг учун ўқитувчидан кўп нарса талаб этилмайди. Битта оддий дафтар олинади ва унинг биринчи бетига маълум шартлар ёзиб қўйилади. Кейинги вараққа ўқувчилар исми-шарифи ёзилади ҳамда ҳар бир ой учун жой ажратилади. Ниҳоят ой тугагач, синф раҳбари ўзининг ҳар бир ўқувчисини баҳолаб чиқади. Баҳо асосан, беш балл билан белгиланади.

Шартларда ўқувчининг дарсга қатнашиши, бир ойда олган ижобий баҳоларининг сони («4» ва «5» баҳо), қўшимча адабиётлардан фойдаланиши, интизоми, одоб-ахлоқи, меҳнатсеварлиги, жамоат топшириқларини бажариши ҳисобга олинади. Тозаликка эътибор бериши, дарслик ва ўқув қуролларини тоза сақлаши, тадбирларда иштироки, уйга берилган топшириқларни мунтазам бажариши, тугарак ёки факультатив дарсларга иштироки, ўқувчининг ижодкорлик фаолияти, фан олимпиадаларидаги иштироки ҳам ўқитувчининг назаридан четда қолмаслиги керак.

Биринчи шарт бўйича қўйилган баҳо журналдаги биринчи рақам остига, иккинчи шарт бўйича эса икки рақами остига қўйилади ва ҳоказо тарзда давом эттирилади.

Журналнинг биринчи варағини тўлдириш тартиби мақола сўнгида келтирилган.

1—4 шартларнинг фақат ўнтаси бўйича, 5—11 синфларда эса ҳамма шартлар тўла баҳоланади. Қўйилган жами баллар синф бурчагига ажратилган алоҳида хонага кўчириб қўйилади. Ўқувчиларни бундай баҳолашнинг қулай томони шундаки, биринчидан, ўқувчининг фақат билими эмас, балки унинг бутун фаолияти баҳоланади. Натижада, ўқувчи дарс қолдирмасликка, одобли бўлишга, тоза-озода, кийинишга, жамоат топшириқларини ўз вақтида бажаришга, табиатга, ўқув қуролларига эътиборли бўлишга, тадбир ёки фан олимпиадаларида иштирок этишга интилади. Иккинчидан, ўз баҳосини синф бурчагида кўриб турган ўқувчи кейинги ойда ўртоғидан орқада қолмасликка ҳаракат қилади. Буни биз ёшларни ҳар томонлама мукаммал шахс қилиб тарбиялашда фойдаланса бўладиган оддий усуллардан бири деб ҳисоблаймиз.

Абдулла ТУРСУНОВ,
Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 8-мактаб ўқитувчиси

Ж/Т	Исми шарифи	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	жами
1	Алиев Уктам	4	16	3	5	5	4	3	4	4	4	5	3	3	63

Бир соатда бир олам мазмун

Шавкат АКРОМОВ олган сурат

Tadbir

АДОЛАТ РЎЁБИ

Барчамизга маълумки, биз мазмун ва моҳият жиҳатидан ажойиб тарихий кунларда яшамоқдамиз. Бу кун мозийга — ўтмишга қайтиб иш кўрилмоқда. Зеро, ўтмишга баҳо беришда ҳикмат кўп. У бугун ва эрта бизни хатолардан асрайди.

Истиқлол бизга жуда кўп неъматлар ато этмоқда. Йўлбошчимиз И.А.Каримовнинг доно сиёсатлари туфайли юртимиз юксалиб, буюк Турон юрти — Мовароуннаҳрда яшаб ижод этган боболаримизнинг олтин меросларини қайтарилмоқда. Адабиётимиз хазинасини дуру гавҳарлар янглиғ безатиб турувчи бу асарлар аждодларимиздан авлодларга ўз ҳолича қайтарилмоқда.

Яқинда Тошкент вилоят педагогика билим юртида «Чўлпон — 100 ёшда» номли адабий-бадиий кеча ўтказилди.

Билим юрти директори С.Зиёев кечани очиб, Чўлпоннинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида гапирди. Меҳмонлардан филология фанлари доктори, профессор Н. Каримов ўз сўзида, Чўлпоннинг 100 йиллик юбилей тантаналарига бағишлаб шеърлар, қўшиқлар, йирик-йирик асарлар яратилганлиги, у орамизда жисмонан йўқ бўлса-да, лекин руҳан доимо биз билан ёндош эканлиги ҳақида гапирди.

Чўлпон туғилиб ўсган, киндик қони тўкилган азиз Андижон тупроғидан келган шоир Тўлан Низом ўзининг адиб ҳаётига бағишланган «Учар юлдуз» шеърини ўқиб берди ва билим юрти кутубхонасига ўзининг «Чўлпон» достони ва шеърлар тўпламини совға қилди. Ушбу тадбирда Тошкент вилоят ва Бўз педагогика билим юртлари ўзаро ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

Қизиқарли ва эсда қоларли даражада ўтган ушбу кечада талабалар иштирокида «Қатағон йиллар» шеърий композицияси, «Суд», «Кеча ва кундуз»дан саҳна кўринишлари, «Она» монологи каби чиқишлар кечага файз киритди.

Қуёш қанчалар саховат билан ер заминга ўз нурларини сочса, денгизлар қанчалар мавжланиб оқса, Чўлпоннинг руҳи поки ҳам шунчалар биз билан яшаб, ўзининг нуру зиёсидан биз ёш авлодни баҳраманд қилади. Истардикки, ана шу нур ҳеч қачон сўнмасин, доимо порлаб, яшнаб турсин. Бобомизнинг руҳи поклари биздан миннатдор бўлсин.

Гулчеҳра АБДУРАҲМОНОВА

Bir soatlik dars

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ҚАНДАЙ ТАҚСИМЛАНАДИ?

Ҳар бир муаллим, ўз касбига меҳр-муҳаббат билан қараса, ўз фаолиятига ижодий муносабатда бўлса, тинмай изланса, мустақил ижодий иш билан мунтазам шуғулланса, албатта, унинг маҳорати ўсади, ижодкор, моҳир, фидойи ўқитувчи сифатида танилиб, шубҳасиз, меҳнати ҳам муносиб тақдирланади. Ушбу мақола ҳақиқий фидойи ўқитувчининг жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган, қилган ишлари оммалаштириб борилаётган Тошкент туманидаги Ваҳоб Каримов номли 1-ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, «Методист-ўқитувчи» унвонларига сазовор бўлган Тоҳир ака Рихсиевнинг 11-синфда ўтган бир соатлик физика дарси хусусидадир.

Тўғриси, Тоҳир ака мени дарсларига киришимни олдиндан билмади. Танаффус вақтида келиб, у кишига мақсадимни айтиб, дарсга кирдим. Физика хонаси ўзига хос кўринишга эга. Тоза, озода ва ёруғ хонада ҳамма кўргазмали қуроллар тартибли қилиб жойлаштирилган. Албатта, тозалик бўлган хонада дарс сифати ҳам яхши бўлади. Ҳуллас, хонада ўзгача файз борлиги сезилиб турибди. Ҳамма ўқувчилар дарсда ҳозир. Дарс «Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш» мавзуларини такрорлаш билан бошланди. Ўқувчилардан қўйидаги саволлар сўралиб, ижобий жавоб олинди.

1. Электр энергияси қандай ва қаерларда ишлаб чиқилади?

2. Электр энергияси қандай узатилади?

3. Электр энергияси қандай тақсимланади?

4. Электр энергиясидан фойдаланишни гапириб беринг.

Шундан сўнг янги «Ўзбекистон энергетикаси» мавзуси синф тахтасига ёзиб қўйилди. Ўқувчиларнинг бугунги дарсга тааллуқли «Ўзбекистоннинг электр станциялари», «Ўзбекистон энергетикасининг ривожланиши», шунингдек, И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари бўйича «Ўзбекистоннинг энергетика базаси», «Энергиянинг ноанъанавий турлари» каби мавзуларда ёзиб келган рефератларининг мазмуни қисқача савол-жавоб асосида сўралди ва якун қилинди. Қарангки, бунга нари борса 10 дақиқа вақт кетди. Ўқувчилар жавоби аниқ ва лўнда. Энг муҳими, ўқувчилар бу мавзуларни ёритишда «Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси», «Ўзбекистон Республикаси энциклопедияси» ва юртбошимиз И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари ҳамда қўшимча манбалардан унумли фойдаланганликлари қувонарли ҳолдир. Чунки, ўқувчилар бир неча кун олдин реферат ёзиш учун мавзуни танлаб олгандан сўнг, дарсдан кейин ўтказиладиган қўшимча машғулотларда ўқитувчи ёрдамида режа тузганлар, муаммоли саволларга эса Тоҳир акадан ёрдам олганлар. Ҳуллас, ўқувчи адабиёт билан ишлаш, изланиш, мустақил билим олиш, фикрлаш, таққослаш ва солиштириш малакаларини ўзида шакллантириш учун ҳаракат қилган. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг жавобини қисқача якунлаб, уларнинг фикрларига қўшимча қилди.

Янги мавзуни қуйидаги режа асосида баён қилди.

1. Энергетика ва унинг турлари.

2. Айрим электр станциялар, уларнинг қаерда жойлашиши ва қуввати.

3. Ўзбекистон энергетикасининг ривожланиши, ютуқ ва истиқболлари.

4. Президентимиз И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари ҳақида (266—270-бетлар).

5. Электр энергиясини ишлаб чиқариш ва унга боғлиқ бўлган экология (Орол денгизи) муаммолари.

6. Айрим қийин сўзларга изоҳ бериш.

Ўқитувчи дарсни «Энергетиканинг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари», «Электр станцияларда ўрнатилган қувватларнинг таркиби», «Республикадаги энг йирик иссиқлик электр станциялари», «Республикадаги энг йирик гидроэлектростанция», «Йирик иссиқлик электр маркази», каби янги дарс учун тайёрланган изоҳли жадваллардан ва юқорида санаб ўтилган қўшимча манбалардан унумли фойдаланилди. Муҳими, муаллим ўғил-қизларга электр энергиясининг қандай тақсимланишини энг содда усуллар билан тушунтира олди. Дарс давомида ўқувчиларнинг ўзлари ҳам фаол иштирок этишиб, ўз фикрларини мустақил билдиришга ҳаракат қилдилар. Ўқитувчи электроэнергия ишлаб чиқариш экологияга боғлиқ эканлиги ҳақида ҳам тўхталиб, Орол денгизи сувининг миқдори камайиб кетганлигининг сабабларини аниқ мисоллар билан изоҳлаб тушунтириб берди.

Машғулот давомида учраган генератор, электровоз, трансформатор, метрополитен, атмосфера, гидросфера, литосфера, МГД (магнитогидродинамик), экология, турбина каби сўзларнинг маъносига ҳам тўхталиб ўтди.

Мазкур дарсни ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан алоҳида якунлашга ўрин қолмади. Чунки, ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам машғулотнинг бошидан охирига қадар тинимсиз ишладилар. Дарсда бирор ўқувчини бўш, фикрни бўлиб, интизомни бузиб ўтирганини кўрмадим. Ҳамма дарс билан банд бўлди. Танаффусга чиқиш учун қўнғироқ чалинди. Ўқувчилар тезроқ ташқарига чиқсалар керак, деб ўйлагандим. Йўқ, ундай бўлмади, айрим ўқувчилар эса Тоҳир акадан танаффус вақтида ҳам дарсга оид бўлган нарсаларни сўраб олишга улгурдилар. Қисқаси, ўқитувчининг дам олишга ҳам вақти бўлмади. Тоҳир ака Рихсиевнинг бир соатлик мулоқот усулидаги физика дарсини кузатиб, у кишининг деярли ҳамма дарсларни шундай ўтишига ишончим комил бўлди.

Мақола сўнгида Тоҳир ака Рихсиев ҳақида яна икки оғиз гапни қўшимча қилишни жоиз деб билдим. Сирасини айтганда, Тоҳир ака ўз ишига астойдил берилиб, асосий диққат-эътиборини мустақил ижодий ишга қаратганлиги туфайли, фанга нисбатан тушунчаси, тасаввури кенг. Кўп билади, мустақил фикрлайди, ҳар бир дарсида мақсадига эришади. Аксари, кўп вақтини ўқишга, изланишга сарф қилади. Шунинг учун бўлса керак, ўқитувчининг сўз бойлиги яхши. Дарс вақтида ҳар бир сўзни ўз ўрнида қўллайди, қийин сўзларга, албатта, изоҳ бериб ўтади. Бирор нарса ҳақида ёзма баён қилса ҳам, тўғри, чиройли, аниқ ёзишга алоҳида эътибор билан қарайди. Тоҳир ака Рихсиев ҳар бир дарси давомида кишининг маданияти ва маънавий оламини белгиловчи сўз эканлигини яхши англаган ҳолда, «Тилга эътибор, элга эътибор» деган халқимизнинг доно нақлига доимо амал қилади.

Тоҳир ака фақат яхши тажрибали ўқитувчигина эмас, фаол жамоатчи, ташкилотчи ҳамдир. Кўп йиллардан бери туман, вилоят бўйича физика фанидан ўтказиладиган олимпиадада ҳакамлар ҳайъатининг аъзоси, туманда 2 йилдан бери физика ўқитувчиларининг йиғилишларида раҳбар, 6 йилдирки, мактаб касаба уюшмасининг раиси бўлиб, ҳамкасблари, ота-оналар ва ўқувчилар ҳурматини қозониб келмоқда.

У тўққиз йиллик мактабларнинг 7, 8, 9-синфлари учун физика дастурини яратган ҳамда ҳозирги даврда 7-синфлар учун физикадан ўқув дарслигини яратиш устида иш олиб бораётган муаллифлардан биридир. Тоҳир аканинг ҳалол меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда. Бу йилги Ўқитувчилар куни муносабати билан унга Тошкент вилояти ҳокимлигининг қарорига кўра таъсис этилган «Фидойи халқ таълими ходими» фахрий унвони ҳамда шу билан бирга энг кам иш ҳақининг 20 баробарида пул мукофоти ҳам берилди. Тоҳир ака бундай эҳтиромга бир касбда 31 йилдан бери мунтазам чидам ва сабр-тоқат билан ишлаш натижасида эришди.

Фидойи муаллим Т. Рихсиевга куч-ғайрат, сиҳат-саломатлик, оилавий фаровонлик, машаққатли ва шарафли ишларида омад тилаб қоламиз.

Собиржон БОБОМЕТОВ

Ko'ngil bitiklari

ЯССАВИЙ ДАРСХОНАСИДА

Дилим садаға бўл Ҳақ хатларига,
Бошлар ул улуғлик хилқатларига.

Субҳи чоғ насими беҳиштдан элчи,
Сингсин ул шуурнинг қат-қатларига.

Гул янглиғ суюмли, нур янглиғ тоза,
Руҳ кирар эзгулик хизматларига.

Бир сўз де. Битилсин деганинг ул сўз,
Англанган ўзликнинг сарҳадларига.

Муборак калиманг ўтлар қўйдир,
Кўру кар дунёнинг ғафлатларига.

Аршнинг йўлларида йўлчи хушёр дил,
Ки йўлиққай Хизр ҳимматларига.

Ич чашми зиёдин Набиюллоҳким,
Мерос қилган ани умматларига.

Дилим садаға бўл Ҳақ хатларига,
Бошлар ул улуғлик хилқатларига.

МУТОЛААДАН СЎНГ

Бу дунёда меҳр айланиб юрар,
Бу дунёнинг синчи, ғишти муҳаббат.
Томирларда қонмас ҳайрат югурар,
Дунё Навоийни атайди Ҳазрат.

Узун киприкларда қалқиб турган юк,
Сен ўтсан, оловсан, тафтинг синоат.
Муҳаббат дегани шу қадар буюк,
Шу қадар буюкдир дард билан Ҳазрат.

Мансабни сиқимлаб чўнг панжасида
Виждондан бенасиб ғўдайган бағир.
Мен сенга раҳмнинг деразасидан
Қарайман — дард, шеърни билмайсан, ахир.

Бойишнинг минг битта хилидан воқиф,
Манглайи тер кўрмай яшаётган жон.
Шеърнинг чўғи билан кўксингни ёриб
Бир бор ёнғламаган бу умринг ёлғон.

Хиёнат йўлида тентираган кўз,
Нигоҳларинг сенинг бетугён, бечўг.
Илтимос, севгидан очакўрма сўз,
Қаллобларга унинг алоқаси йўқ.

Ошиқлари билан сирли бу дунё,
Ошиқлари билан қудратли бу Ер.
Оқиб келаверар кунларга зиё,
Оқиб келаверар юракларга шеър.

Ошиқ дўст, ҳақиқат, севгидан йироқ
Кечган умрлардан сўйламайлик, кел.
Ҳазрат Навоийдан ўқиймиз бу чоқ,
Юрак-юрагимиз бўлганича сел...
Ҳазрат Навоийдан ўқиймиз...

Замира РЎЗИЕВА

Синоптикларга ўхшатма: кеча Тошкентда ростданам қор ёғди.

Bolalar futboli

«ПАРВОЗ»НИНГ ПАРВОЗИ

Ангрен шаҳридаги марказий ўйингоҳда Тошкент вилоятидаги ўсмирлар футбол клубларининг беш кун давом этган ҳудудий мусобақалари қизғин курашлар остида ўтди.

Ёш футболчилар беллашувларида Ангрен, Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари, Оҳангарон тумани футбол мактаблари талабалари қатнашишди.

Барча мусобақаларда кўтаринки руҳда тўп сурган Ангрен шаҳридаги Тошкент вилоятининг махсус ва умумтаълим футбол мактаб-интернатининг «Парвоз» командаси турнир ғолиби бўлди.

— Мактаб-интернатимиз, — дейди директор Ҳакимхон Эшончаев, — ташкил этилганидан буён ўтган бир йилдан сал ошиқроқ вақт мобайнида кўпгина мусобақаларда талабаларимиз яхши курсаткичларга эришиб келаётирлар. Улар вилоят иккинчи лига ўринбосарлар жамоалари ўртасида биринчи ўринни қўлга киритди.

Мактаб-интернат ташкил этилганлигининг бир йиллиги муносабати билан октябрь ойида Фарғона вилояти мактаб-интернати, Бекобод, Оққўрғон болалар спорт-мактаби ўқувчилари беллашувда 8-синф талабаларидан таркиб тоғган жамоа ғолиб чиқди, 6-синф ўқувчилари ўртасидаги учрашувда эса вакилларимиз учинчи ўринни олишди.

125 талаба таълим-тарбия олаётган пойтахт вилоят футбол мактаб-интернатида ўртоқлик учрашувларини мунтазам уюштириб боришга янги йилда катта эътибор берилиши режалаштирилган.

F. МИРЗАЕВ

Shifokor maslahati

ГЕПАТИТДАН САҚЛАНИНГ

Кейинги пайтларда сариқ касаллиги кенг тарқалиб кетмоқда. Мана шу касаллик ва унинг олдини олиш тўғрисида Марказий маслаҳат ташҳис поликлиникаси мудири Абидова Моҳиба Саидаълоевна билан суҳбатлашдик:

— **Айтинг-чи, сариқ касаллиги қандай келиб чиқади ва касалликни олдини олиш учун қандай тадбирларни амалга ошириш керак?**

— Сариқ касаллиги ёки шифокорлар тили билан айтганда вирусли гепатитлар юқумли касаллик ҳисобланади. Бу касаллик асосан беморлардан ва вирусларни ташувчилардан юқади.

Куз, қиш ойларида вирусли гепатитнинг мавсумий кўтарилиши даври бўлади. Ҳар 8-10 йилда бу касалликнинг энг кўп тарқалиши кузатилади. 1995-97 йиллар ҳам шу даврга тўғри келади. Ҳозирги кунда қайд этилаётган беморларнинг 80 фоизи 14 ёшгача бўлган болалардир. Чунки вирусли гепатит кўпроқ мулоқот йўли билан юқади. Боғчаларда касал бола ўйнаган ўйинчоқлардан ёки у фойдаланган идиш-товоқлардан зарарсизлантирмасдан ишлатилганда, мактаб ошхоналарида санитария эпидимиологик тартибнинг сақланмаслиги касаллик кўпайишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, бемор аниқланган заҳоти алоҳидаланиши шарт. Сабаби у жамоат транспортидан фойдаланса, жамоат жойларига борса, касалликнинг тарқалишига сабаб бўлади. Вирусли гепатитнинг бошланиши ҳақида тўхталсак, бемор дарров саргаймайди. Касаллик тана ҳароратининг кўтарилиши, бош оғриги, шамоллаш аломатлари, ланжлик, иштаҳасизлик, кўнгил айнаб қайд қилиш, қорин оғриғи, баъзида қўл-оёқ бўғинларининг оғриши, баданга аллергик тошма тошиши билан ҳам бошланиши мумкин. Бу сариқ олди даврида бадан саргаймайди, пешоб тўқармайди, нажас оқармайди ва ота-оналар беморда сариқ касали бор, деб ўйлашмайди. Бу касалликнинг атрофидагилар учун энг зарарли давридир. Беморни фақат касалхонада даволаш керак, акс ҳолда касалликнинг асоратлари жигарда, ўт қопиқда қолиши мумкин.

Тозалик, орасталикка риоя қилиш, бир маротаба ишлатиладиган тиббий анжомлардан фойдаланиш, юқорида айтиб ўтилган қоидаларга амал қилиш, бизни вирусли гепатитдан ҳимоя қилади.

Суҳбатни Гулноза НИШОНБОЕВА ёзиб олди

Xullas...

ҚУТУЛДИМУ ТУТИЛДИМ

Бу мақол америкаликларга ҳам тааллуқли экан. Маълумки, АҚШнинг жанубий штатларида мактаб ўқувчиларини илмгоҳларига махсус автобусларда олиб борилади. Бироқ сўнгги пайтларда у томонлардаги болалар ҳам бизларникидек «сўпи» бўлиб бораяпти, шекилли. Бу муаммони бартараф этиш учун энди автобусларга видеомагнитофон ўрнатилди. Албатта, бу ташвишлар бесамар кетмади. Бироқ, бу ишнинг ҳам ўзига хос «ишкал»и чиқиб қолди. Энди болалар манзилга етгач, автобусдан тушишдан бош тортишаяпти. Тўғри-да, ким ҳам видеодаги «Ну, погоди»ни ўқитувчининг «Ну, погоди»сига алмашади.

•

НОЁБ ИСМЛАР

Ғаройиб китобларда ёзилишича, Лондонда 800 йилдан бери яшаб келаётган Такси деган фамилия бор экан. Россияда эса 1069 деган ўта ноёб фамилия билан бир қаторда ҳамманинг жонига теккан Иванов фамилияси жуда кўп учрар экан.

Албатта, исм-фамилия инсон ҳаётида юксак ўрин тутмасада, баъзи ноқулайликларга ҳам сабаб бўлади. Мана таважжуҳингизга яна бир кулгили мужда. Туркиянинг кичкинагина бир қишлоғида ўнлаб болалардан отасининг исмини сўрасангиз бир овоздан Мустафо Вейсал деб жавоб беришади. Сабаби — қишлоқда 50 га яқин кишининг исми Мустафо Вейсал.

•

ТИШЛИ ЧАҚАЛОҚЛАР

Сарлавҳани ўқиб туриб қўрқиб кетишингиз муқаррар. Лекин начора, ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Тарихни варақлаб чиққан Россия тиббиёт олимларининг таъкидлашича, 1970 йил Данияда 8 та чақалоқ оғзи тўла тиши билан туғилган. Ҳатто уларнинг баъзиларида илдизли тишлар ҳам бўлган. Яқинда эса Францияда янги «тишли» меҳмон дунёга келди. Аслида тиш чақалоқнинг 5—8 ойлик пайтида чиқиши аниқланган.

ana shunaqa gaplar

Sport maydonchasi

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Шу бугундан бошлаб «Маърифат» ўз ўқувчиларига турли спорт хабарлари билан бирга энг машҳур спортчиларнинг суратларини ҳам тақдим этишга бел боғлади. Ўйлаймизки, бу тадбир ҳам эътибордан четда қолмайди.

Демак, танишинг: Биринчи суратда футбол бўйича мамлакатимиз терма командасида энг кўп (28) майдонга тушган — Илҳом Шарипов. Иккинчи суратда эса терма командамизда энг кўп тўп киритган (15) Игорь Шквирин, Учинчи — энг чиройли ўйинлар кўрсаттан — Миржалол Қосимов. Тўртинчи — ички чемпионатимизда шу бугунга қадар ўзбекзабон футболчилар орасида энг сермаҳсул (95) тўпурар ўйинчи Рустам Дўрмоновдир.

Илҳом Шарипов

Игорь Шквирин

Миржалол Қосимов



Рустам Дўрмонов (Нефтчи)

ҚУТЛОВ

Муҳтарам Анвар Парпиҳўжаев!

Сизни муборак 60 ёшингиз билан самимий қутлаймиз. Биз Сизни меҳнатсевар , ташаббускор ва фидойи раҳбар сифатида қадрлаймиз. Барчамиз сизга чексиз эҳтиром ила ҳамиша эзгу ишларингизда омадлар ёр бўлишини тилаймиз. Узоқ умр, соғлик-саломатлик ва оилавий тотувлик Сизга доимо ҳамроҳ бўлсин!

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 23-Катталар таълим маркази жамоаси

ҚИЗЛАР, ҲАЁТГА ТАЙЁРМИСИЗ?

(Боши 1-бетда)

қўрғон шаҳридан Дилором Собирова, термиздан Дилнавоз Сайдалиева, Жиззах педагогика билим юрти талабаси Саломат Эгамова, бекободлик Дилфуза Муллажонова, Шаҳрисабз шаҳридан Гавҳар Сиддиқовалар танлов шартларини аниқ, пухта, талабга яқин бажаришлари ҳисобга олиниб, биринчи тур ғолиблари деб эълон қилинди.

* * *

«Қизлар мустақил ҳаёт бўсағасида» кўрик-танловининг иккинчи тури республика таълим марказида давом этди. Бу ердаги аудитория кенгроқ эди. Ғолибаларни қўллаб-қувватловчилардан ташқари, оддий томошабинлар ҳам кўп.

Маҳорат эса саҳнада намойиш қилиниши керак. Шартларнинг бажарилиши учун белгиланган вақт оралиғида қулоқни қоматга келтирувчи мусиқа, қўшиқ, рақс, хаёлни чалғитарди. Лекин чаққон, эпчил, ўқувли қиз ҳар қандай вазиятда ишни саранжомлайди.

Арчасимон чокни ким қандай тикади? Мактаб ўқувчиси ҳовлида югуриб кетаётиб, йиқилиб тушди ва тирсак суяги синди. Сиз қандай қилиб, биринчи тиббий ёрдам кўрсатасиз? Компьютер ва банк тизими. Иккинчи турнинг бу каби шартлари анча мураккаб бўлишига қарамай, қизлар тўғри бажаришга ҳаракат қилишди. Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг берган баҳоларига кўра, танлов иштирокчиларидан энг кўп балл тўплаган Қўқон педагогика билим юртининг талабаси Гўзалхон Аҳмаджонова бўлди. Иккинчи ўрин шаҳрисабзлик Гавҳар Сиддиқовага насиб қилди. Учинчи ўрин эса Бекобод шаҳридан келган Дилфуза Муллажоновага берилди.

Қарсак, олқиш, қутловларнинг адоғи йўқ. Саҳнада, миллий либосларда қўллари кўксида хиёл эгилиб ва андак жилмайиб турган бу қизларга кимнинг ҳаваси келмайди дейсиз? Аслида уларнинг барчаси ғолиба, оқила ва ҳаммаси дилбар. Жиззахлик Саломатхон Эгамова «Бундай тадбирлар ёш қизларнинг дунёқарашини кенгайтиради» деб фикрлайди. Дилфуза Муллажонова эса ўйлайдики, кўрик-танлов айримлар ўйлаганчалик, қизларни бозорга солиш эмас, балки уларни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатишдир.

Кўрик-танлов якунида республика халқ таълими вазири ўринбосари Хайриддин Маъсудов иштирокчиларга қимматбаҳо совғаларни топширар экан, самимий табриклади. Шунингдек, талаба қизларга Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот», «Улуғбек» жамғармаларининг ҳам эсдалик совғалари тортиқ этилди. Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳам ўз совғаларини улашди. Республика хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёрлиқлари қизларга топширилар экан, улар бир олам ҳаяжонда қолишди.

Кўрик-танловдан шундай хулосага келасиз: демак, бу қизлар мустақил ҳаётга тайёр туришибди.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА

Bilasizmi?

КАШФИЁТЛАР ТАРИХИДАН

Бундан бир аср аввал америкалик физик Чирк Пейж электромагнит ўрамидан ўтаётган ток маълум бир маромда товуш ҳосил қилишини сезиб қолди. Унинг хулосасига таяниб, 1874 йили, бир вақтнинг ўзида физик Энрик Грес ва карлар мактабининг ўқитувчиси Анри Белл овоз қурилмасини яратишди.

Мослама тебранма марказга ўрнатилган ток ўтказувчи суюқлик — электрод аралашмаси тўлдирилган идишдан иборат эди. Пулдор Анри Белл 1878 йилда Греснинг патент ҳуқуқини сотиб олиб, бир қатор олимлар қўмагида магнийли телефонга асос солди.

1878 йилда АҚШнинг Нью-Хейвен шаҳрида дунёда биринчи телефон станцияси ишга тушди. 1882-1883 йилларда эса Петербург, Москва, Рига, Одесса, Лодзи шаҳарлари телефонлаштирилади.

1883 йили Мюнхенда ўтказилган электротехника кўргазмасида Белл телефони жуда яхши баҳоланди. Чунки у товушни (бор-йўғи) ўн километр масофага узатарди.

А. АЛИЕВ тайёрлади

Эълон

Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти

«Рейтинг тизимларини лойиҳалаш ва ўқув юртида рейтинг-назорат ҳисобини қайд қилиш»

деб номланадиган компьютер қобиқ (оболочка) дастурини тарқатади.

Мазкур дастурнинг ўзбек ва рус тилларидаги вариантлари мавжуд. Дастур универсал бўлиб, ҳамма нормативлари ўзгарувчан параметрлар кўринишида берилган.

Телефонлар бўйича маълумот: 41-28-40, 41-89-57.
Манзил: Тошкент шаҳри, Пахтакор кўчаси, 3-уй, 14-хона
Санъат саройи (Панорама кинотеатри) рўпарасида.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Нурлан УСМОНОВ, Алишер НАЗАРОВ

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0825. Тиражи 21.111. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6